

Ёзувчи Фозил Зоҳиднинг келтиришича, 1873 йилнинг 29 май куни Хоразм тарихи саҳифасига қора харфлар билан ёзилди. Боскинчиларнинг харбий юришлар ва киргинбаротлар оловида тобланган кўпсонли кўшинлари хонлик пойтахти Хива қалъасига бостириб кирди, муқаддас жойларни оёқ ости қилди, асосий зарба диний ва миллий қадриятларга қаратилди. Тарихий манбаларда келтирилишича, қалъани истило қилишда 44 та замбарак, бошқа ўт очиш қуроллари ишга солиниб, масжид-мадрасаларга, макбара ва минораларга қарата ўқ отилган. Жума масжидига тўп отилган пайтда масжид минорасида азон айтаётган муаззин овози янграган. Шу куни олов халқасида қолган 17 та масжидда жамоат бўлиб намоз ўқилган. 22 та мадрасада машғулот давом этган.